

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА НИЛУФАР РАСУЛОВНА**

**БОЛАЛАРДА КАРДИОМИОПАТИЯЛАР: ШАКЛЛАНИШ, ЭРТА  
ТАШХИСЛАШ, БАШОРАТЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА КОРРЕКЦИЯ  
УСУЛЛАРИ**

**14.00.09-Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2020**

**Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of Science (DSc)**

**Ахмедова Нилуфар Расуловна**

Болаларда кардиомиопатиялар: шаклланиш, эрта  
ташхислаш, башоратлаш мезонлари  
ва коррекция усуллари..... 3

**Ахмедова Нилуфар Расуловна**

Кардиомиопатии у детей: критерии формирования,  
ранней диагностики, прогноза и методы коррекции..... 28

**Akhmedova Nilufar Rasulovna**

Cardiomyopathies in children: formation,  
early diagnosis, prognosis criteria and correction methods ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of publication work..... 57**

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА НИЛУФАР РАСУЛОВНА**

**БОЛАЛАРДА КАРДИОМИОПАТИЯЛАР: ШАКЛЛАНИШ, ЭРТА  
ТАШХИСЛАШ, БАШОРАТЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА КОРРЕКЦИЯ  
УСУЛЛАРИ**

**14.00.09-Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2020**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib295 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ахмедова Дилором Илхамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шарипов Алишер Мирхамидович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шамсиев Фазлиддин Сайфутдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Камалов Зайнитдин Сайфутдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «21» август соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел.:/факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 519 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел.:/факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» август куни тарқатилди.  
(2020 йил «    »      даги      рақамли реестр баённомаси).



**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н.Хаитов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.М. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори диссертацияси аннотацияси (DSc))

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тиббиёт фанидаги ва амалий соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқлар дунёда касалликлар ва ўлим кўрсаткичи тобора ортиб бораётган ташвишли тенденцияни беркита олмади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертлари маълумотларига кўра, "...аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг салбий динамикаси ҳаттоки турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатларда ҳам қайд этилади: онкологик ва эндокринологик патологияларни ҳамда юрак-қон томир касалликларини ўсиши қайд қилинди, бунда уларнинг орасида юрак-қон томир касалликлари катта ёшли аҳоли орасидаги ўлим структурасида 1-ўринни эгаллайди"<sup>1</sup>. Мустақил кўп марказли тадқиқотлар натижаларига кўра, болалар кардиоваскуляр патология ривожланиши бўйича хавф гуруҳига киради, айнан болалик даврида юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) ривожланишининг асосий омиллари шаклланади, уларни амалга ошириш касалликнинг узоқ муддатли прогнозини ёмонлаштиради, кейинчалик ҳаёт сифати ва ижтимоӣ мослашувни пасайтиради<sup>2</sup>. ЮҚТК орасида ташхислаш ва бошқариш қийин бўлган, охирги ўн йилликда кўпайиб бораётган кардиомиопатиялар (КМП), болаларда ҳар қандай ёшда намоён бўлиши мумкин<sup>3</sup>. Болаларда КМП нафақат тиббий ва ижтимоӣ аҳамиятга эга бўлиб, балки касалликни оғирлиги ва унинг оқибатлари билан боғлиқ иқтисодий зарар келтиради.

Жаҳонда болаларда ЮҚТКни камайтириш бўйича ташхислаш, дифференцирлаш, прогноз ва даволаш чора-тадбирларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Болаларда КМПларни ташхис мезонлари, кечиши ва оқибатлари прогнози, шунингдек, даволашга ёндошув, унинг асоратларини профилактикасини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан, КМПларни энг кенг тарқалган вариантларини (дилатацион, гипертрофик ва рестриктив кардиомиопатиялар) клиник хусусиятларини аниқлаш, специфик биокимёвий маркерлар, иммунологик кўрсаткичлар, витаминлар, макро- ва микроэлементлар ҳолати асосида, болаларда КМПларни ривожланиши ва кечишининг диагностик ва прогностик мезонларини, шунингдек, даволашнинг шахсий усулларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, айниқса, болаларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга

<sup>1</sup>WHO. World health statistics, 2013; WHO. Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

<sup>2</sup>Саперова Е.В., Вахлова И.В., 2017; Inman M., et al., Social Determinants of Health Are Associated with Modifiable Risk Factors for Cardiovascular Disease and Vascular Function in Pediatric Type 1 Diabetes. J Pediatr. 2016 Oct; 177:167-172; Rusconi P., et al. A Report from the Pediatric Cardiomyopathy Registry Study Group. Circ Heart Fail. 2017

<sup>3</sup>Сдвигова Н.А., Басаргина Е.Н. и соавт. Актуальность генетической верификации некомпактной кардиомиопатии у детей: клинические случаи. Вопросы современной педиатрии. 2018; 17 (2): 157–165; Шляхто Е.В. Кардиология. Национальное руководство. Краткое издание / Шляхто Е.В. - М. : ГЭОТАР-Медиа, 2019. - 816 с. - ISBN 978-5-9704-4876-2; Вайханская Т.Г. и соавт. Дилатационная кардиомиопатия: новый взгляд на проблему//Российский кардиологический журнал. 2019; 24(4): 35–47; Salim S. Virani, Alvaro Alonso, Emelia J. Benjamin, Marcio S. Bittencourt, et al. Heart Disease and Stroke Statistics-2020 Update: A Report From the American Heart Association. Circulation Volume 141, Issue 9, 3 March 2020; Pages e139-e596.

оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»<sup>4</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, болаларда ЮҚТК ривожланиш хавфини ташхислаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматларни яхшилаш ва кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>5</sup> Болаларда кардиомиопатияларни хавф омилларини, диагностик ва прогностик мезонларини ҳамда даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, The American College of Cardiology Foundation (ACCF, USA); Wayne State University, Detroit, Michigan, (USA); Department of Obstetrics and Gynecology, Hutzel Hospital, Wayne State University, Detroit, (USA); Department of Paediatrics of The Rotunda Hospital, (Ireland); São Paulo, SP (Brazil); Department of Critical Care Medicine of the University of Calgary Alberta, (Canada); Department of Pediatrics of the University of Alberta, Edmonton, Alberta (Canada); Servicede Réanimation Pédiatrique, Univ Lille Nordde France, (France); Division of Neonatology of the Institute of Pediatrics, Catholic University of the Sacred Heart, Rome, (Italy),

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

<sup>5</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.ubc.ca](http://www.ubc.ca), [www.cmm.zju.edu.cn](http://www.cmm.zju.edu.cn), [www.sggw.pl](http://www.sggw.pl), [www.uc.edu](http://www.uc.edu), [www.med.stanford.edu](http://www.med.stanford.edu), [www.meded.hms.harvard.edu](http://www.meded.hms.harvard.edu), [www.uni-corvinus.hu](http://www.uni-corvinus.hu), [www.sfu.ca](http://www.sfu.ca), [www.en.jbnu.ac.kr](http://www.en.jbnu.ac.kr), [www.unina.it](http://www.unina.it), [www.edu.unideb.hu](http://www.edu.unideb.hu), [www.universiteit leiden.nl](http://www.universiteit leiden.nl), [www.tau.ac.il](http://www.tau.ac.il), [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br), [www.gpma.ru](http://www.gpma.ru) ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

Casilino General Hospital, Rome, (Italy); Child Neuropsychiatric Unit, University of Parma, Parma, (Italy); Fakultní Thomayerova nemocnice poliklinikou, (Praha, Czech Republic); Graduate Institute of Medicine, College of Medicine, Kaohsiung Medical University, Kaohsiung, (Taiwan); ДФБМ Болалар саломатлиги илмий маркази (Россия); Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети (Россия) ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Болаларда кардиомиопатияларни ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича дунёда қатор илмий натижалар олинган. Жумладан, MOGE(S) глобал европа таснифи ишлаб чиқилган; болалар орасида кардиомиопатияларни тарқалиши ўрганилган (The American College of Cardiology Foundation/ American Heart Association, ACCF/АНА); генетик ва ногенетик омилларни роли исботланган; КМП ларни ривожланиши асосидаги турли генетик детерминантлар аниқланган; барча КМП лар учун оилавий шакллари характерли исботланган; касалликни морфологик мезонлари кўрсатилган; кардиомиопатияларни ривожланишига сабаб бўлувчи туғма модда алмашувини бузилишлари ўрганилган; КМП асосида ётувчи молекуляр-генетик, инфекция, аутоиммун ва дисметаболик жараёнлар мукамал ўрганилган; болаларда КМПларни турли вариантларини самарали ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети, Россия; The American College of Cardiology Foundation/American Heart Association, ACCF/АНА); КМПларда ухшаш, лекин такрорланмас клиник синдромлар хусусиятларини ривожланишига олиб келувчи патологик жараёнлар аниқланган (Department of Paediatrics of The Rotunda Hospital, Ireland).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида болалар ўлимини олдини олишга боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий изланишлар амалга оширилмоқда: КМП ва уларнинг оқибатларини ривожланишидаги устувор омилларни аниқлаш; биокимёвий, ва иммунологик кўрсаткичлар хусусиятларини ўрганган холда патогенетик асосланган даволаш усулларини ишлаб чиқиш; цитокинлар ва зардоб биомаркерларини КМПлар ва улар оқибатларини ривожланишида ахамиятини аниқлаш; болаларда КМПларни асоратларини ривожланишида клиник-биокимёвий мезонларини ишлаб чиқиш; КМПли болаларда тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларида даволаш ва реабилитацияни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миокарднинг нокоронароген касалликлари вакили гуруҳларидан бири бўлган кардиомиопатиялар, жуда оғир сурункали юрак етишмовчилиги билан кечиши, тўсатдан юрак ўлими билан яқунланиши билан фарқланади (Сухарева Г.Э., 2017; Михайлов В.С. ва ҳаммуал., 2018; Rusconi P. et al., 2017).

Болаликда юрак етишмовчилиги юрак туғма нуқсонлари бўлган беморларда энг тўлиқ ўрганилган. (Хагай Е.И., Абельмажинова Г.Д., 2017; ESC/ERS, 2015; Beghetti M. et al., 2016).

Миокард касалликларини ўрганиш муаммосига қизиқишнинг ортиши этиологияни ва патогенезни янада ўрганиш зарурати билан изоҳланади; уларнинг клиник кўринишларининг хилма-хиллиги ва ўзига хос эмаслиги, кўп йиллар давомида сезиларли ташҳисий ва терапевтик қийинчиликлар, бу нафақат юқори ўлим кўрсаткичи, балки ушбу оғир патологияси бўлган беморларни ташҳислаш ва даволашда ягона ёндошувнинг етишмаслиги билан боғлиқдир. КМПлар сурункали юрак етишмаслиги тузилмасига катта ҳисса қўшади (Леонтьева И.В., 2018; Вайханская Т.Г. ва ҳаммуал., 2019; Ponikowski P. et al., 2016; Kumar S. et al., 2016; Caforio A.L. et al., 2020).

Миокарддаги яллиғланиш жараёнининг фаоллигини кўрсатувчи, биомаркерларни аниқлаш таҳис усулларини такомиллаштиришнинг йўналишларидан биридир. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, миокардитда яллиғланиш биомаркерлардан интерлейкин-4, интерлейкин-6, ўсма некрози омили- $\alpha$ , миокардга антитаначалар (Терешенко С.Н. ва ҳаммуал., 2017; Хазова Е.В. ва ҳаммуал., 2017; Rankuweit S., 2012) ҳамда зардоб биомаркерларини (Алиева А.М. ва ҳаммуал., 2018; Хамитова А.Ф. ва ҳаммуал., 2019; Чаулин А.М. ва ҳаммуал., 2019; 2020; Lupón J. et al., 2015) ортиши қайд қилинади. Бироқ, улардан фойдаланиш ҳақида экспертлар фикрлари фарқ қилади (Терешенко С.Н. ва ҳаммуал., 2017).

Педиатрияда ҳалигача КМПли болаларда юрак-қон томир тизимини ягона клиник-метаболик, генетик, иммунологик маркерлари аниқланмаган, болалар ва ўсмирларда миокардни таркибий-геометрик қайта қурилиши хусусиятлари ўрганилмаган (Макаров Л.М., 2017; Кожевникова О.В., 2017; Verhulst S.L. et al., 2010; Cunningham S.A. et al., 2014; Wells J. et al., 2014). Дори-дармонлар билан етарли даражада коррекция қилинмаслик кардиоремоделирование жараёнларининг ривожланиши, келажақда юрак ва томирларда қайтирилмас патоморфологик ўзгаришларга ва натижада умумий юрак-қон томир касалликларининг “ёшариши”, шу жумладан, КМПга олиб келиши мумкин (Герасимов А.Н., 2007; Бутрова С.А., 2008; Басаргина Е.Н., 2015; Saji T. et al., 2012; Nussinovitch U. et al., 2013; Caforio A.L. et al., 2013; 2020).

Болаларда миокард касалликларини шаклланишига ташқи муҳит патоген омилларини, уни ташкил этувчи макро- ва микроэлементлар, шунингдек, бир қатор витаминларнинг таъсирини ўрганиш долзарб йўналиш ҳисобланади (Каронова Т.Л. ва ҳаммуал., 2017; Филатова Т.Е., 2017; Колесников А.Н. ва ҳаммуалиф., 2018; Позолков В.И. ва ҳаммуал., 2018; Ших Е.В. ва ҳаммуал., 2019; Mehta V., 2017). Бугунги кунгача маълум бўлган ушбу йўналишдаги тадқиқот натижалари педиатрияда қарама қарши характерга эга бўлган бир нечта ишларгина маълум (Широкова В.И. ва ҳаммуал., 2012; Кузгибекова А.Б. ва ҳаммуал., 2014; Драпкина О.М. ва ҳаммуал., 2016; McNally J.D. et al., 2017).

Болаларда КМПларни даволаш бўйича стандартлар, протоколлар ва клиник тавсиялар мавжудлигига қарамай, ҳал қилинмаган масалалар кўпдир. (Ивкина С.С. ва ҳаммуал., 2012; Леонтьева И.В. ва ҳаммуал., 2013; Yancy C.W. et al., 2017; Recla S. et al., 2019).



Шундай қилиб, этиологиясини ноаниқлиги, диагностика ва прогноз мезонлари бир-бирига зид бўлганлиги туфайли, миокарддаги дастлабки ўзгаришларни эрта ташҳислашга, ўз вақтида касалликни ривожланишни ўзга ўрайтириши ва оқибатларига таъсир кўрсатадиган кардиоваскуляр хавфларни асосий клиник-метаболик, иммунологик, физик-кимёвий омилларини максимал даражада ўз вақтида аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни ўтказиш, шунингдек, болаларда КМП ва унинг асоратларини даволашга индивидуал ёндашишларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг АДСС 15.1.3. «Саломатлик детерминантга кўра, болаларда юрак-қон томир касалликларини ташҳислаш мезонлари ва прогнозини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва ПЗ-20170921114 “Болаларда кардиомиопатияларни шаклланиши мезонлари, эрта ташҳислаш, башоратлаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** болаларда кардиомиопатияларни шаклланишини прогностик ва ташҳисот мезонларини, кечиши ва эрта ташҳислаш, шунингдек, аниқланган бузилишларни коррекциясига индивидуал ёндашишларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда кардиомиопатияларни ривожланишини асосий омиллари ва клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

болаларда кардиомиопатиялар ва юрак етишмовчиликларини кечиши ва прогнозидан зардоб биомаркерлари эндотелин-1 ва тропонин-1 ни фарқланган қийматини аниқлаш;

болаларда кардиомиопатияларнинг турли шаклларида юрак етишмовчиликларини ривожланишини иммунологик омилларини аниқлаш;

болаларда кардиомиопатияларни ривожланишида, яшаш жойига қараб, сочдаги макро- ва микроэлементларни аҳамиятини аниқлаш;

кардиомиопатиялари мавжуд болаларни яшаш жойига кўра, D витаминини ҳолатини аниқлаш;

болаларда кардиомиопатиялар ва юрак етишмовчиликлари ривожланиши ва натижаларининг диагностик ва прогностик мезонларини ишлаб чиқиш;

D витамини, макро- ва микроэлементлар даражасини ҳисобга олган ҳолда, болаларда кардиомиопатияларда бузилишларни коррекциялашда индивидуал ёндашишни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кардиомиопатиялари мавжуд 163 нафар болалар, улардан 92 нафари дилатацион КМП, 55 нафари гипертрофик КМП, 13 нафари рестриктив КМП ва 3 нафари чап қоринча нокомпакт миокарди бўлган болалар.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида болалар веноз қони ва зардоби, соч намуналари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, инструментал, биокимёвий, физик-кимёвий, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи маротаба, кенг қамровли тадқиқотлар асосида, болаларда КМП ва уларнинг асорати юрак етишмовчилиги ривожланиши, кечиши ва прогнозига яшаш худуди (Оролбўйи худуди) ва тиббий-биологик омиллар билан бир қаторда ижтимоӣ омиллар (оиладаги нохуш муҳит, кўпфарзандлик ва оилада доимий даромаднинг йўқлиги) ишончли аҳамиятга эга эканлиги аниқланган;

Оролбўйи минтақасида болаларда ГКМП оғир даражаси ва юрак етишмаслигини III функционал синфи, ва яққол ифодаланган аритмик синдром билан ривожланиши, қулайроқ шароитларда ДКМП ва РКМП, уларни кечишида ўрта оғирликдаги юрак етишмаслиги ва II функционал синфи босқичи устунлик қилиши белгиланган;

болаларда кардиомиопатиялар кечиши ва оқибатларини башорат қилишда зардоб биомаркери эндотелин-1ни прогностик аҳамияти, унинг касалликни давомийлиги ва ривожланиши билан боғлиқ кўпайиши, тропонин-1ни миқдори эса КМП ривожланиши муҳим биокимёвий маркерлари ҳисобланмаслиги исботланган;

иммунологик кўрсаткичлар миқдори ва қон айланишни бузилишлари даражаси орасидаги боғлиқлик аниқланган: IL-1B, IL-6 ва TNF-а цитокинлар даражаси қанча юқори бўлса, болаларда КМП юрак етишмовчилиги даражаси, айниқса, Оролбўйи худудида яшайдиган болаларда яққол намоён бўлиши; шунингдек, КМПли болаларда VEGF томирлар эндотелийси ўсиш омиллининг диагностик ва прогностик аҳамияти юқорилиги аниқланган;

чап қоринча дилатацияси даражаси билан интерлейкинлар орасидаги кучли тўғридан тўғри боғлиқлик, бу якуний-диастолик ўлчам ва IL-1B, шунингдек, отилиб чиқиш фракцияси ва IL-6 орасидаги тесқари алоқа мажудлиги аниқланган;

барча худудлардаги КМПли болаларда микроэлементозлар юқори частотаси: Оролбўйи худудида яшовчи болалар сочларида марганецва бром миқдори ортиқча, ва кальций, хлор, хром, кобальт, мис, цинк, калий, йод ва селен миқдорини етишмовчилиги; бошқа минтақаларда яшовчи болаларда фарқли –кальций ва селен етишмовчилиги фонида калий, бромва йод юқори миқдори аниқланган;

КМП ли болаларда касаллик варианти ва яшаш жойидан қатъий назар D витамини танқислиги ва етишмовчилигининг юқори фоизи, бу кўпроқ Оролбўйи худудларида яшовчи болаларга хос эканлиги аниқланган;

ривожланиш омиллари, клиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик кўрсаткичлар, D витамини ҳолати асосида болаларда кардиомиопатиялар ва юрак етишмовчилигини шаклланиши, диагностика ва башоратлаш мезонлари бўйича математик дастур ишлаб чиқилган,

шунингдек, болаларни яшаш жойидан келиб чиқиб, макро- ва микроэлементларни зардоб биомаркерлари, D витамини ва юрак етишмовчилиги билан корреляцияли боғлиқлиги аниқланган;

кардиомиопатияли болаларда D витамини ва селенни танқислиги ва етишмаслигини коррекция қилишга индивидуал ёндашиш ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги баҳоланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

яшаш жойига кўра, болаларда кардиомиопатияларни шаклланиши хавф омиллари аниқланган;

кардиомиопатияли болаларда миокардни зарарланиши ахборотли биокимёвий маркерлари ва юрак етишмовчилиги босқичларини баҳолашни иммунологик мезонлари аниқланган;

айниқса Оролбўйи худудларида, тегишли коррекция чора-тадбирлар ўтказишни аниқлаб берадиган D витамини, макро- ва микроэлементлар ҳолати аниқланган,

болаларда кардиомиопатияларни ривожланиши ва ташҳисини тахмин қилиш учун диагностик жадвал ишлаб чиқилган;

кардиомиопатияларда D витамини танқислиги ва етишмаслигини коррекция қилишни индивидуал усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти, клиник-анамнестик, функционал, биокимёвий, иммунологик тадқиқотлар, ва витаминлар, макро- и микроэлементлар ҳолатианиқлаш натижасида олинган илмий асосланган натижалар асосида болаларда кардиомиопатиялар ва уларнинг асорати юрак етишмовчилиги шаклланиши, эрта ташҳисоти ва прогностик мезонлари, шунингдек, асосланган персонафицирланган ёндошувли коррекцияловчи терапиянининг ишлаб чиқишдан иборатдир, бу эса болалар кардиологияси соҳасида илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар, КМП шаклланиши ва юрак етишмовчилигини ривожланиши учун юқори хавфли болаларни эрта аниқлашга ёрдам беради ва кардиомиопатияли болаларда аниқланган бузилишларни даволашга индивидуал ёндошишда самарали натижаларга эришишга, бу эса ушбу болалар контингентига

прогнозни яхшилаш, ногиронликни камайтириш ва ҳаёт сифатини оширишга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Кардиомиопатияли болаларда ташҳис ва прогноз мезонларини ишлаб чиқиш, шунингдек, даволаш усулларини коррекциялаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Болаларда юрак-қон томир касалликлари омиллари ва прогноз қилиш мезонлари” услубий тавсияномаси тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги 8н-р/141-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиялар болаларда КМПни эрта босқичларида шаклланиш хавфи омиллари, КМП ножўя кечиши ва юрак етишмовчилишини кучайишини аниқлашга, бу билан ушбу патологияда болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтиришга имкон берган;

“Болаларда кардиомиопатияларни шаклланишини ва ташҳисини клиник-функционал мезонлари” услубий тавсияномаси тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 декабрдаги 8н-р/382-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиялар болаларда КМПни ривожланиши, кечиши ва оқибатларини ташҳислаш ва прогнозлашга мезонларини аниқланиши, аниқланган бузилишларни ўз вақтида коррекция қилиш ва даволаш натижаларини яхшилашга имкон берган;

Болаларда кардиомиопатияларни шаклланиши, эрта ташҳислаш ва прогноз қилиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Қашқадарё ВБКТТ марказларида жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-з/81-сонли маълумотномаси). Натижаларни жорий қилиш ташҳислаш, прогноз ва даволашни самарадорлиги оширишга, юрак етишмаслиги оғир даражаси ривожланиши ва болаларда КМПни бошқа асоратларини ривожланишини камайтиришга ёрдам берди, шунингдек, КМПли болаларда касалликни ножўя оқибатларини, касалхонада даволаниш сони камайишига, даволаш натижаларини яхшиланишига ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 10 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 7 боб, хулоса, натижалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Болаларда кардиомиопатиялар ҳақида замонавий тушунчалар (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, унда кўриб чиқиладиган муаммонинг ҳолати тўғрисидаги замонавий фикрлар таҳлил қилинган. Кардиомиопатиялар ривожланишига олиб келувчи омиллар, ушбу касалликни ташҳиси, прогнози ва даволашнинг устувор масалалари, болаларда кардиомиопатияларни кечиши ва прогнозида зардоб биомаркерлари аҳамияти, шунингдек, болаларда КМПларни кечиши ва прогнозида ҳамда юрак етишмовчилигини ривожланишида макро-микроэлементлар ва D витаминнинг роли тўғрисида тўлиқ маълумот берилган. Олинган материалларни синчковлик билан таҳлил қилиш, батафсил ўрганишни талаб этадиган жиҳатлари таъкидланган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморлар тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар материаллари ва усуллари баён қилинган. Кардиомиопатиялари мавжуд 1 ёшдан 18 ёшгача 163 нафар беморлар текширилган.

Яшаш ҳудудларини қулайлигига кўра, болалар 2 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – нисбатан қулай ҳудудларда яшовчи 95 нафар (57,9%), 2-гуруҳ – Оролбўйи ҳудудида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) яшовчи 69 нафар (42,1%) болалар.

Ташҳис шикоятлари, объектив кўрик, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари (қонни клиник ва биокимёвий таҳлили, кўкрак қафаси рентгенографияси, ЭКГ ва ЭхоКГ) билан тасдиқланди. Анамнестик, клиник-лаборатор ва инструментал маълумотлар таҳлили, барча беморларни нозологиядан қатъий назар тадқиқот пайтида юрак етишмовчилиги мавжудлиги бирлаштирилганлигини кўрсатди.

Беморларни мажмуий текширишга клиник-анамнестик, инструментал текшириш усуллари киритилди ва болаларнинг жисмоний ривожланиши ЖССТ «Anthro и Anthroplus» дастуридан фойдаланиб баҳоланди.

Махсус текширишлар кардиомаркерлар (тропонин-I ва эндотелин-I), ферритин ва витамин 25(OH)D миқдори, соч намуналарида макро – ва микроэлементлар миқдори (25 элементлар) ва қонда (K, Se), иммунологик кўрсаткичлар (яллиғланишгача –VEGF, TNF- $\alpha$ , IL-1 $\beta$  ва IL-6, яллиғланишга қарши цитокинлар –IL-4 и IL-10) аниқлашга ўз ичига олган.

Натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Exell Version 7.0 амалий математик-статистик таҳлил дастурларидан фойдаланиб ўтказилди. Статистик усуллар танловни ўртача кўрсаткичи (M), ўртача стандарт хатолик (m), корреляция коэффицентини (r) аниқлашдан иборатдир. Статистик популяциядаги фарқларнинг ишончилиги Стьюдент (t) мезонларига кўра, турли хил дисперсиялар учун параметрик усулларда баҳоланди.

Тадқиқот натижалари, кузатувдаги болаларда КМП структурасида 1-ўринни ДКМП (56,4%) эгаллаганини, кейин ГКМП (33,7%), РКМП (7,8%), ЧҚНМ болалар атиги 3 нафарни (1,8%) ташкил қилганлигини кўрсатди.

Болалар ёши бўйича тақсимланганда, касаллик кичик ёшли болалар ва ўсмирларда кўпроқ учрашини кўрсатди.

Нозологиясига кўра, текширилганларнинг 1 гуруҳдаги болаларни катта қисмини ДКМПли (63,8%) болалар ташкил қилди. Беморларнинг 1/5 қисмида ГКМП (20,2%) аниқланди. РКМПли (12,7%) болалар камроқ фоизни ташкил қилди. 2 гуруҳдаги болаларда кўпроқ ГКМП (52,2%) учради. Ушбу гуруҳда ДКМП 46,4% ҳолатларда, РКМП – фақатгина 1 ҳолатда (1,4%) кузатилди. ЧҚНМ 1-гуруҳдаги 3,2% беморларда аниқланди.

Диссертациянинг **«Яшаш худудига кўра болаларда кардиомиопатияларни хавф омиллари ва клиник кечиши хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида келтирилган анамнезни солиштирматаллига кўра, болаларда КМПларни барча вариантларини ривожланишига турли хил ноқулай омиллар таъсир қилишини кўрсатди.


Тиббий-биологик омиллар таҳлил қилинганда, касаллик жинсга боғлиқлиги ва ўғил болаларда кўпроқ учраши аниқланди, 1-гуруҳда ушбу кўрсаткич 68,1%, 2 гуруҳда – 63,8% ташкил қилди ( $p < 0,05$ ). Яшаш худудларидан қатъий назар, фарзанди туғилганда онанинг ёши 35 дан ошганлиги деярли бир хил бўлди (1-гуруҳда 31,9% ва 2-гуруҳда 33,3%).

2-гуруҳдаги 49,2% болаларда касалликни ривожланишига олиб келувчи омиллардан бири, ирсий мойиллик бўлиб, бу 1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,5 баравар кўпдир (34%). Яқинқариндошлар орасидаги никоҳлар ҳам, Оролбўйи худудида яшовчи болалар оилаларида 3 баравар кўпроқ қайд қилинди (20,3% нисбатан 6,4%,  $p < 0,001$ ).

Оналар хавф омиллини ўрганиш, 2-гуруҳдаги 46 нафар ҳомиладор аёлларда (66,7%) ҳомила гипоксияси ҳавфини келтириб чиқарувчи соматик касалликлари бўлганлигини кўрсатди. 1-гуруҳ оналаридаги ушбу кўрсаткич 58,5%ни ташкил қилди. Кўп аёлларда бир неча нозологиялар қайд қилинди.

1-гуруҳдаги болаларнинг оналарида касалликлар нозологиясида урогенитал инфекциялар 45 нафарни ташкил қилди ( $47,9 \pm 5,2\%$  қарши 34,8%,  $p < 0,001$ ). 2-гуруҳда аёллардаги репродуктив оғирлашган анамнезнинг ҳомилани ўз-ўзидан тушиши 31,9%, ўлик туғилиш 28,9% каби ҳолатлари қайд қилинди, 1-гуруҳ оналарида эса бу кўрсаткичлар камроқ учради (10,6% ва 17% - мос равишда). 2-гуруҳ оналарини ҳомиладорлигини кечиши ўрганилганда барча ҳолатларда: ҳомиладорликни 1-ярми преэклампсия фониди кечиши 56,5%, 2-ярмида эса 43,5% да аниқланди, 87,0% оналарда

анемия ташхисланди; ой кунига етмай бола туғиш ҳолатлари юқори фоизларни кўрсатди (23,2%).



**1-расм. Яшаш ҳудудига кўра КМПли болалар оилаларида ирсий мойиллик ва яқин қариндошлар орасидаги никоҳлар частотаси.**

Изоҳ: \*— кўрсаткичларни солиштириш гуруҳларидаги ишончлилиги ( $p < 0,001$ )

Ўтказилган касалликлар тахлили, 1- ва 2-гуруҳ болалари вирусли касалликлар (ЎРВИ, сувчечак, вирусли гепатитлар А ва В) ўтказганлигини кўрсатди.

2-гуруҳда текширилган болаларда ёндош касалликларни ўрганиш, КМПлари мавжуд болаларда қуйидаги касалликлар кузатилди: тишлар кариеси (76,8%) ва сурункали тонзиллит (76,4%), турли даражадаги анемия (60,9%), диффуз бўқоқ (27,5%), 1-гуруҳ болаларида эса мос равишда - 51%, 48,9%, 32,98% ва 20,2% да қайд қилинди.

Сурункали жараёни мавжудлиги болаларни жисмоний ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Ёшга нисбатан тана узунлиги/бўй нисбати кўрсаткичларида 2-гуруҳдаги КМПли болаларнинг 31,9% да оғишлар кузатилди (интервал -3СО дан -2СО гача); солиштириш гуруҳида эса 17% ( $p < 0,001$ ). Ёшга нисбатан кам вазнлик (интервал -3 СО дан -2 СО гача) Оролбўйи ҳудудида яшайдиган болаларда кўп фойизда аниқланди ( $63,8 \pm 5,8\%$ , 1-гуруҳда -  $44,7 \pm 5,1\%$ ,  $p < 0,001$ ). Болаларни овқатланиш статусини баҳолаш учун боланинг ёшига нисбатан вазн/бўй нисбатини ҳисобланди, яъни тана вазни индекси (ТВИ). Ушбу кўрсаткич Оролбўйида яшовчи болаларнинг 31,9% да озикланишни оксил-энергетик етишмовчилиги (ООЭЕ) хавфи мавжудлигини, 20,3% болаларда – ООЭЕ ўрта даражаси, 5,8% болаларда ООЭЕ оғир даражасини (озғинлик) кўрсатди. Ушбу кўрсаткич 1-гуруҳ болаларида – 20,2%, 10,6% ва 3,2% ни ташкил қилди.

Ижтимоий омилларни ўрганиш, касаллик Оролбўйи минтақасида яшовчи доимий даромадга эга бўлмаган оилаларда (60,9%), рухий ноқулай муҳитда (56,5%) ва кўп болали (3-нафардан кўп) оилаларда (53,6%) кўпроқ қайд қилинганлигини кўрсатди, ушбу кўрсаткичлар 1-гуруҳ болаларининг

оилаларида эса мос равишда 37,2%, 37,2% ва 27,7% ташкил қилди (1-жадвал)

1-жадвал

**Яшаш ҳудудига кўра болаларни ижтимоий омилларини баҳолаш, %**

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ, n=94	2 гуруҳ, n=69	P
Доимий даромад манбаини йўқлиги	37,2±4,99	60,9±5,9	<0,001
Кўпболалик оила	27,7±4,6	53,6±6,0	<0,001
Оиладаги ноқулай рухий муҳит	37,2±4,99	56,5±5,97	<0,001

Изоҳ: P–кўрсаткичларни солиштириш гуруҳларидаги ишончилиги

Шундай қилиб, болаларда КМП ривожланиши, кечиши ва прогнозига, тиббий-биологик омиллар билан бир қаторда, оиладаги нохуш муҳит, кўпболалилик, оиланинг доимий даромадини йўқлигини ўз ичига олган ижтимоий омиллар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар Оролбўйи ҳудудлари учун кўпроқ хос бўлган.

Кардиомиопатияларни клиник кечиши хусусиятларини ўрганиш, симптомлар кардиомиопатияларнинг вариантыга хос эканлигини кўрсатди. ДКМПли болаларни текшириш натижаларини таҳлил қилганимизда, касалликни белгисиз бошланиши 57,5%, жисмоний зўриқишларга мойиллик 84,8% болаларда аниқланди. ГКМПли болаларда касалликни интенсив жисмоний зўриқиш келтириб чиқарган (36,4%), бу кескин ҳолсизлик ҳужурали, рангини оқариши ва бош айланиши. РКМПли 30,8% болаларда касаллик белгиларсиз кечди ва болалар узок вақт шикоят қилмадилар. Касаллик манифестацияси юрак фаолиятини декомпенсацияси билан кечди. Ушбу болалар жисмоний ривожланишдан сезиларли ортда қолдилар.

Юрак етишмаслигининг белгилари болаларда КМПларнинг ҳамма вариантларида учради, бу болаларда КМПни оғир кечишини исботлайди. Юрак етишмовчилиги белгилари чап қоринча систолик дисфункцияси билан боғлиқ бўлди.

Беморларда КМП вариантыга кўра юрак етишмовчилигининг турли босқичлари кузатилди: РКМП ли болаларда ЮЕ I босқичи (I ФС) кўпроқ учради ва 38,5% ташкил қилди, ушбу босқич ДКМП ва ГКМП ли болаларда мос равишда 16,3% ва 12,7% ҳолатларда учради. ЮЕ II босқичи (II ФС) кўпроқ фоизда ГКМП ли (38,2%) болаларда учраб, ДКМПли болалар орасида 34,8% ташкил қилди. ЮЕ IIБ босқич (III ФС) – кўпроқ ГКМП ли болаларда учради (49,1%), ушбу босқичдаги ДКМПли ва РКМПли болалар фоизи мос равишда 28,3% ва 23,1% ташкил қилди. ЮЕ III босқич (IV ФС) белгилари фақат ДКМП (20,7%) ва РКМП (7,7%) болаларда аниқланди.

ЭКГ маълумотларига кўра, аниқланган ўзгаришлар автоматизм бузилишлари – тахикардик (85,1%) ва ваготоник (72,2%) синдромлар, шунингдек, юрак мушагида метаболизм бузилишлари – дистрофик синдромларга (88,9%) бирлаштирилди. Биринчи иккита синдром орқага қайтадиган бўлиб ҳисобланиб, асосан, ташқи муҳит ноқулай омиллари фонида ривожланади. Дистрофик синдромли 92,6% болаларда QT интервални узайиши хос бўлиб, миокардни функционал ёки қисқариш



хусусиятини пасайганлигини билдиради. Рентгенологик текширувда болаларда касалликни бошланишида кўпроқ чап қоринча (ЧК) ҳисобига (70,4%) юрак ўлчамларини ва текширилганларнинг 44,4% да барча қисмларини катталашини аниқланди. Кардиоторакал индексни (КТИ) ортиши кардиомегалия учун хос бўлиб, у 55% дан юқорибўлди ва 75-80% ни ташкил қилди.

ЭхоКГ миокардни қисқариш хусусиятни пасайганлигини, марказий гемодинамика морфометрик кўрсаткичларини ўзгарганлигини тасдиқлади. Миокардин насос ва контрактил функциясини ифодаловчи кўрсаткичларни пасайишини, болаларда юрак етишмовчилигини шаклланишини клиникасигача кўриниши сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Болаларнинг яшаш худудига кўра, периферик қони кўрсаткичлари ўрганилганда, 1 гуруҳдаги болаларга гемоглобинни енгил даражада камайганлиги хос бўлса ( $105,3 \pm 1,5$  г/л), 2-гуруҳдаги болалар учун эса кўрсаткичлар меъёрдан сезиларли камайганлигини кўрсатди ( $89,7 \pm 2,4$  г/л,  $p < 0,01$ ). Анемия даражасини ишончли баҳолаш учун зардоб ферритини аниқланди. 1-гуруҳдаги болаларда ферритин кўрсаткичлари меъёрий кўрсаткичларни пастки чегарасидан бироз юқорини ( $58,0-150,0$  нг/мл,  $p > 0,05$ ) кўрсатди, 2-гуруҳда эса меъёрга нисбатан ва солиштириш гуруҳига нисбатан ишончли пасайиши кузатилди.

Шундай қилиб, болаларда КМПни клиникасигача белгиларини баҳолашда энг ишончли инструментал усул ЭхоКГ ҳисобланади; КМП ташҳиси ва прогнозини клиник-инструментал мезонлари юрак етишмовчилигини мавжудлигидир, унинг частотаси ва намоён бўлиш даражаси чап қоринча дилатациясини намоён бўлиши билан корреляцияланади, бу эса ёмон прогностик белги бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Болаларда кардиомиопатияларни ва юрак етишмовчилигини кечишини ва башоратини баҳолашда зардоб биомаркерларини роли**» деб номланган тўртинчи бобида КМПли болаларда кардиомаркерлар ва яллиғланишга қарши цитокинларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари ёритилган. Болаларда тропонин-І концентрациясини ортиши юрак етишмаслигини терминал босқичи кардиомиоцитлар нобуд бўлиши ва қонга кардиоспецифик оқсилларни чиқиши билан кечишини изоҳлайди. Текширилган болаларда тропонин-І миқдорини ортиши болаларнинг яшаш худудидан қатъий назар мақбул қийматларга мос келди, ушбу касалликда биокимёвий маркерларни сезгирмаслиги ва специфик эмаслигини исботлади. Ушбу кўрсаткичлар миокард некрози учун хос ҳисобланади.

2-жадвал

#### КМПли болаларда биомаркерлар миқдори кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	1 гуруҳ	2 гуруҳ	P
Тропонин- I, нг/мл(норма 0–0,5 нг/мл)	$0,2 \pm 0,01$	$0,3 \pm 0,02$	$> 0,05$
Эндотелин-1, фмоль/мл(0,1-1,0 фмоль/мл)	$1,67 \pm 0,1^*$	$1,87 \pm 0,13^*$	$< 0,05$

Изоҳ: \* - соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан ишончлилик ( $P < 0,001$ ); P – солиштириш гуруҳлари кўрсаткичлари орасидаги ишончлилик.

Эндотелин-1 миқдори 1- ва 2-гурӯҳ болаларида ошганлигини кўрсатди (2-жадвал).

Тадқиқот натижаларига кўра, касаллик зурайиши билан боғлиқ бўлган юрак етишмовчилигида эндотелин-1 юқори кўрсаткичлари аниқланди (2-расм).

КМП давомийлиги ва эндотелин-1 кўрсаткичи орасидаги таҳлил кучли тўғри корреляцион боғлиқликни кўрсатди ( $r=+0,97$ ). Шунинг учун, эндотелин-1 кўрсаткичини КМП кечиши ва оқибатини прогностик мезони сифатида баҳолаш мумкин.



2-расм. Эндотелин-1 кўрсаткичларини касаллик давомийлигига боғлиқлиги

Болаларда тропонин-I кўрсаткичлари, касаллик шаклига кўра, мақбул қийматларга мос келди, РКМПли ва ДКМПли болалар кўрсаткичларига нисбатан эндотелин-1 миқдори ГКМПли болаларда энг катта миқдорни кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал

### КМП шаклига кўра биомаркерлар кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ДКМП	ГКМП	РКМП
Тропонин -I, нг/мл (норма 0–0,5 нг/мл)	0,2±0,019	0,4±0,038	0,4±0,06
Эндотелин -1, фмол/мл (0,1-1,0 фмоль/л)	1,53±0,1*	1,75±0,2*	1,67±0,2*

Изох:\* - соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан ишончлилик ( $P<0,001$ ); P – солиштириш гуруҳлари кўрсаткичлари орасидаги ишончлилик.

Юқорида келтирилганларга асосан, эндотелин-1 ни миокард шикастланишини юқори специфик биокимёвий маркери сифатида баҳолаш мумкин, яъни кардиомаркер деб хулоса қилинади, унинг фаоллигини ортиши эса – болаларда кардиомиопатиялар ривожланиш мезонларидир.

Биокимёвий кўрсаткичлардан КМП ривожланиши ва оқибатларини прогностик ишончли мезонлари, касаллик давомийлиги узайгани сари эндотелин-1 миқдорини ортиши ҳисобланади.

Сўнгги йилларда тадқиқотчиларнинг диққат эътибори, ўрганилаётган кўпчилик зардоб маркерлари орасида, жуда ҳам сезгир маркер ҳисобланган, интерлейкинларга қаратилган. Болаларни яшаш ҳудудларига кўра, TNF- $\alpha$  ўрганилганда, Оролбўйи худудида яшовчи болаларда TNF- $\alpha$  ўртача кўрсаткичи, бошқа гуруҳларга нисбатан ишончли юқорилиги аниқланди

(4жадв.). КМПли болалар қон зардобида TNF- $\alpha$  миқдорини ўрганиш унинг нормага нисбатан сезиларли ортганлигини кўрсатди. TNF- $\alpha$  нинг юқори кўрсаткичи 69,5% беморларда аниқланди. Ушбу цитокин миқдорининг ортшининг сабаби, микроциркуляцияни чуқур нуқсонда юрак етишмовчилигини охириги босқичларида юзага келадиган тизимли гипоксия ва яллиғланиш синдроми ҳисобланади.

4-жадвал

### Кардиомиопатияли болаларни яшаш жойига кўра citoкинлар миқдори

Солиштириш гуруҳи	IL-1 $\beta$ , пг/мл	IL-6, пг/мл	TNF- $\alpha$ , пг/мл	P
1 гуруҳ	3,7 $\pm$ 0,3*	15,9 $\pm$ 1,3*	8,06 $\pm$ 0,8	P <sub>1</sub> >0,05
2 гуруҳ	3,9 $\pm$ 0,4*	21,75 $\pm$ 1,9*	11,15 $\pm$ 0,9*	P <sub>2</sub> <0,01
Норма	0,00-2,34	0,00-2,13	2,28 - 7,81	P <sub>3</sub> <0,01

Изоҳ: \* - нормага нисбатан ишончли кўрсаткич; P<sub>1</sub> – 1 ва 2-гуруҳ болаларда IL-1 $\beta$  кўрсаткичлари орасидаги ишончли фарқ.; P<sub>2</sub> – 1 ва 2-гуруҳ болаларда IL-6 кўрсаткичлари орасидаги ишончли фарқ; P<sub>3</sub> – 1 ва 2-гуруҳ болаларда TNF- $\alpha$  кўрсаткичлари орасидаги ишончли фарқ.

Ўртача гипоксияда қон зардобида TNF- $\alpha$  миқдори 8 дан 12,4 пг/мл гача, ва унинг ўртача миқдори (9,2 $\pm$ 0,87 пг/мл, p<0,5) нормага нисбатан юқоридир (2,28-7,81 пг/мл), бу болаларда чуқур гипоксияда TNF- $\alpha$  миқдори жуда ҳам юқори бўлиб, (15,7 $\pm$ 1,2 пг/мл, p<0,01) и 12,7-17,5 пг/мл атрофида ўзгариб турди.

Яллиғланишгача цитокинларни, айниқса TNF- $\alpha$  юқори даражаси миокардга шикастловчи таъсир кўрсатади. Ушбу цитокин кардиомиоцитлар нобул бўлишига дастурланган жараёни тезлаштириш хусусиятга эга бўлиб, TNF- $\alpha$  кўп ишлаб чиқарилиши натижасида металлопротезлар фаоллиги ошади ва фибриляр коллаген матрикс бузилиши тезлашади, бу миокардни ремоделлаштирилишига ва манфий инотроп таъсир шаклланишига олиб келади (Закирова Н.Э., 2014; Хазова Е.В. ва ҳаммуал. 2017).

Болаларнинг яшаш жойига кўра, IL-1 $\beta$  ва IL-6 миқдорини ўрганиш, уларни яшаш жойидан қатъий назар нормага нисбатан ўртача кўрсаткичлари ортганлигини кўрсатди (жадв.5). Бироқ, IL-6 миқдори 2-гуруҳ болаларига нисбатан ишончли юқорилиги аниқланди.

Кардиомиопатияли беморларни интерлейкинлар миқдорини солиштирма тахлили цитокинлар миқдори ва қон айланиш бузилишлари даражаси орасидаги ўзаро боғлиқликни, яъни юрак етишмовчилиги даражасига кўра, IL-1 $\beta$ , IL-6 ва TNF- $\alpha$  ишлаб чиқарилишини ўзгариши аниқланди.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, текширилган болаларда нормал кўрсаткичларга нисбатан кўрсатилган кўрсаткичлар миқдорини ишончли фарқи олинган. ДКМП ли беморларда юрак етишмовчилиги II–III даражаси ва ГКМПли беморларда юрак етишмовчилиги II даражасида IL-1 $\beta$  сезиларсиз кўп ишлаб чиқарилиши аниқланди. ДКМП ва ГКМПли болаларда

уларнинг максимал концентрацияси, ДКМП ва ГКМПли болаларда ЮЕ IIБ–III даражасида IL-6 ва TNF- $\alpha$  юқори концентрацияси қайд қилинди.

5-жадвал

**Кардиомиопатияли болаларда юрак етишмовчилигида  
интерлейкинлар миқдори**

Болалар гуруҳи	IL-1 $\beta$ , пг/мл	IL-6, пг/мл	TNF- $\alpha$ , пг/мл
ДКМП, СН I ст.	1,5 $\pm$ 0,3*	6,8 $\pm$ 1,4 ^	6,9 $\pm$ 0,2*^
ДКМП, СНIIА	1,6 $\pm$ 0,4	21,7 $\pm$ 1,8* ^	11,5 $\pm$ 0,3*
ДКМП, СН IIБ–III ст.	2,9 $\pm$ 0,2	30,7 $\pm$ 4,3*	12,6 $\pm$ 0,4*
ГКМП, СН I ст.	1,9 $\pm$ 0,2	9,88 $\pm$ 0,8*	9,8 $\pm$ 0,4*
ГКМП, СН IIА ст.	2,8 $\pm$ 0,4	14,75 $\pm$ 1,5*	11,9 $\pm$ 1,1*
ГКМП, СН IIБ ст.	3,1 $\pm$ 0,3*	26,3 $\pm$ 2,3*	13,7 $\pm$ 1,4*
Референс кўрсаткичлар	0,00-2,34	0,00-2,13	2,28 - 7,81
Корреляцион боғлиқлик	R=+0,89	R=+0,99	R=+0,73

Изоҳ: \* - соғлом болаларга нисбатан ишончлилик; ^ – КМП шаклларида ЮЕ даражасида кўрсаткичларни ишончли фарқи;

ДКМПли болаларда юрак етишмовчилигида IL-1 $\beta$  билан қолдик диастолик ўлчам (ҚДЎ) ( $r=0,52$ ;  $p<0,01$ ). Чиқарилиш фракцияси параметрлари ва IL-6 ( $r=-0,48$ ,  $p<0,01$ ) орасидаги тескари боғлиқлик аниқланди.

VEGF бир қатор патологик ва физиологик жараёнларга жалб қилинганлиги учун, ушбу жараёнларда ўсиш омилини роли долзарблигича қолмоқда. КМП да VEGF миқдори 1 гуруҳда ҳам (439,6  $\pm$  42,3 пг/мл), 2-гуруҳда ҳам (572,2  $\pm$  53,8 пг/мл) меъёрдан юқорини кўрсатди.

Олинган натижалар, юрак етишмовчилиги ривожланишида иммунологик кўрсаткичлар муҳим рол ўйнашини тасдиқлайди, бу билан апоптоз миқдорини бошқариш орқали, миокардни ремоделлаштириш жараёнларини интенсивлигини аниқлайди, бу эса ўз навбатида унинг тузилмасини бузилиши ва юрак етишмовчилиги ривожланганда қисқартирувчи аппаратни ишламаслигининг сабабчисидир.

Диссертациянинг «Болаларда кардиомиопатиялар ва юрак етишмовчилигини зўрайишига D витамини, макро- и микроэлементларни ахамияти» деб номланган бешинчи бобида D витамини миқдори, шунингдек, макро- ва микроэлементлар ҳолатининг маълумотлари ёритилган.

КМПли болаларда D витамини миқдори яшаш жойи ва касаллик вариантларига кўра ўрганилди (6-жадвал).

Олинган натижалар, D витамини миқдорини пастлигини, КМПли болаларда яшаш жойи ва кардиомиопатияларни шаклидан қатъий назар, танқислигига мос келишини кўрсатди.

Шу билан бирга, Оролбўйи минтақасида яшайдиган болаларда D витаминининг энг паст даражаси аниқланди (11,3  $\pm$  1,1 нг/мл), нисбатан қулай ҳудудда - 16,8  $\pm$  1,4 нг/мл), барча ҳолатларда (ГКМП - 14,8  $\pm$  1,04 нг/мл, ДКМП - 18,6  $\pm$  2,1 нг/мл), айниқса, РКМП да (9,3  $\pm$  1,6 нг/мл). Витамин ҳолатига кўра: D витамини етишмаслиги (21-29 нг/мл) фоизи, нисбатан қулай ҳудудларда

яшайдиган 34,0% болаларда, унинг танқислиги (<20 нг/мл) – Оролбўйи худудларида яшайдиган 59,4% болаларда учради.


6-жадвал

### Яшаш жойига кўра кардиомиопатияли болаларда D витамин миқдори кўрсаткичлари

Яшаш региони	25(OH)D, нг/мл	P
Нисбатан қулай худуд	16,8±1,4*	<0,001
Оролбўй худиди	11,3±1,1	<0,001
Референс кўрсаткич	30-65	

Изох: \*- реактивлар инструкцияси бўйича норматив; \*\* - референс кўрсаткичларга нисбатан ишонччилик.

КМП шаклига кўра, D витамини танқислиги ва етишмаслиги ҳам РКМПли беморларда (76,9% - танқислик, 23,1% - етишмаслик) устунлик қилди. ГКМПда мос равишда – 70,9% ва 21,8%; ДКМП да мос равишда – 68,5% ва 20,6%.




3-расм. Текширилган болаларда D витамини пасайиши миқдори


Изох:\* - кўрсаткичларни ДКМП ва ГКМПли болалар орасидаги ишонччилиги;\*\* - кўрсаткичларни ГКМП ва РКМПли болалар орасидаги ишонччилиги; \*\*\* – кўрсаткичларни ДКМП ва РКМПли болалар орасидаги ишонччилиги; ^ - кўрсаткичларни D витамин етишмовчилик бўлган РКМП ва ДКМПли болалар орасида ишонччилиги; ^^ - кўрсаткичларни D витамин етишмовчилик бўлган ГКМП ва ДКМПли болалар орасида ишонччилиги; ^^ - кўрсаткичларни D витамин етишмовчилик бўлган ГКМП ва РКМПли болалар орасида ишонччилиги.

D витамини танқислиги КМП ва юрак етишмовчилиги ривожланишига олиб келади: танқислик фоизи ортгани сари болаларда юрак етишмовчилиги оғирлик даражаси ортиб боради.

Аниқланган қонуниятлар ташқи муҳит омилларини D витамини танқислиги ривожланишига таъсирини исботлайди, бу эса болаларда кардиомиопатиялар ва юрак етишмовчилиги ривожланиши ва кечилишига таъсир қилади. КМПли беморларда аниқланган D витамини танқислиги, КМПли беморларни мажмуий даволаш жараёнига D витаминини киритиш зарурлигини кўрсатди.



4-расм. 1-гурухдаги болаларда микроэлементозлар частотаси



5-расм. 2-гурухдаги болаларда микроэлементозлар частотаси

Тадқиқотлар, микроэлементозлар нафақат Оролбўйи худудига, балки бошқа худудлар учун ҳам хослигини кўрсатди. Сочларда микроэлементлар миқдорини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, КМПЛи 96% болаларда референс кўрсаткичларга нисбатан 2 ва ундан ортиқ муҳим микроэлементларни миқдори етарли эмаслигини кўрсатди. Микроэлементозлар частотаси, иккала гуруҳда ҳам Ca, Cr, Co, Cu, Se ва Zn сақлашини аниқлади. Шу билан биргаликда, Оролбўйи худудидаги Mn, Br, Cl миқдори юқори бўлган болалар кўпроқ учради, солиштириш гуруҳида эса сочда K ва I кўрсаткичлари юқори бўлган болалар кўпроқ аниқланди (4,5-расм).

Тадқиқотларимизда яшаш жойидан қатъий назар кальций миқдорини етишмаслиги кўпчилик болаларда қайд қилинди. Бирок, унинг танқислиги бўлган болалар 1 гуруҳда 7,4 баравар кўп бўлди. Унинг яққол етишмовчилиги 1-гуруҳга нисбатан 2-гуруҳда кўпроқ аниқланди ( $660 \pm 71$  мкг/г нисбатан  $930 \pm 135$  мкг/г,  $p < 0,001$ ).

Калий миқдори Оролбўйи худудида яшовчи 37,2% болалар

етишмовчилиги ва 30,7% болаларда танқислиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич 1-гуруҳда мос равишда 24,4% ва 12,2% ташкил қилди. Бироқ, унинг миқдорини 1-гуруҳ болаларида 2-гуруҳга нисбатан деярли 3 баравар юқорилиги кўпроқ учради (34,1% нисбатан 11,6%). Унинг ўртача кўрсаткичлари  $2000 \pm 350$  мкг/г ташкил қилиб, мумкин бўлган кўрсаткичдан юқори эканлигини кўрсатди (800-1500 мкг/г).

